



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (13.696)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН СИНГАПУРДАГИ "HARI RAYA BAZAAR 2018" КЎРГАЗМАСИДА

Сингапурдаги йирик савдо-кўнгилочар мажмуаларидан бирида ҳар йили мусулмонлар учун муқаддас Рамазон ойида очиладиган "Hari Raya Bazaar 2018" ярмаркаси иш бошлади. Ушбу тадбир 13 июнга қадар давом этади.

Кўргазмада Бруней, Индонезия, Испания, Марокаш, Покистон, Корея Республикаси, Саудия Арабистони, Туркия ва Ўзбекистон сайёҳлик фирмалари ҳамда озиқ-овқат корхоналарининг стендлари намойиш этилмоқда.

Ярмарканинг очилиш маросимида шаҳар-мамлакатнинг вазирлиги ва идоралари раҳбарлари, дипломатия корпуси, халқаро ташкилотлар, маҳаллий ва хорижий компанияларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини кенг намойиш қилиш мақсадида мамлакатимизнинг Сингапурдаги элчихонаси томонидан алоҳида стэнд ташкил этилди. Халқ ижодиёти ва амалий санъати маҳсулотлари, миллий либослар, қуруқ мева, ҳолва, асал, нон ва серкўёш ўлкамизнинг бошқа нёъматлари унинг пештахталаридан жой олди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига доир ранг-баранг рисола ва турли суратли материаллар, республикамиз бағрида жойлашган тарихий шаҳарлар ҳақида ҳикоя қиладиган видео лавҳалар ҳам намойиш этилди. Мамлакатимиз стэнди ўзининг миллий андозада безалиши ва мазмунга бойлиги билан кўпчиликнинг эътиборини ўзига тортади.

Ахборот материаллари ҳамда қизиқарли экспонатлар меҳмонларда катта таассурот қолдирмоқда. Ушбу ярмаркада иштирок этгани кўпчиликлда ёрқин ва унутилмас таассуротлар қолдирган. Улар, шунингдек, Ўзбекистон намойиш этаётган маҳсулотлар турлари ва сифати ҳам юқори баҳо беришар экан, ушбу тадбирда республикамизнинг бу йилги иштироки ҳам Сингапур ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилишига қомил ишонч изҳор этдилар.

"Дунё" АА,
Сингапур

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

НИЗОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ИНСТИТУТ СИФАТИДА НОТАРИАТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда нотариатни ислох қилиш, уни превентив одил судлов ҳамда суд низоларининг олдини олиш вазифаларини бажарувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини таъминловчи муҳим институтлардан бири сифатида шакллантириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, нотариал идораларнинг фаолиятида суд-ҳуқуқ соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширишда, иқтисодий, оилавий, мерос, уй-жой, меҳнат ва бошқа низолаарнинг олдини олишда нотариатнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўққинлик қилувчи қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд. Хусусан:

Биринчидан, аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифати ва теъкорлиги паст даражадалиги, нотариал идоралардаги узундан-узоқ навбатлар, давлат божлари ва бошқа йиғимлар ундирилишининг шаффоф эмаслиги, шунингдек, мавжуд бюрократик тўсиқ ва ғовлар аҳолининг нотариат тизимига бўлган ишончини пасайтирмақда ҳамда коррупция кўринишлари пайдо бўлишига имкон қолдирмоқда;

Иккинчидан, асосан тасдиқлаш хусусиятига эга бўлган вазифани бажараётган амалдаги нотариат тизими

мамлакатнинг бугунги ривожланиш талабларига жавоб бераёпти, нотариал ҳаракатларни бевосита аҳоли пунктларида чиққан ҳолда амалга оширишнинг кенг амалиёти мавжуд эмас. Жамиятнинг ривожланишидан ортада қолаётган нотариатнинг фаолият кўрсатиш тизими унинг комплекс нотариал хизматлар кўрсатувчи янада фаол моделига ўтишни талаб этмоқда;

Учинчидан, замонавий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги, идоралараро электрон ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги аҳолига теъкор нотариал хизматларни кўрсатиш имконини бермаёпти ҳамда зарур маълумотнома ва ҳужжатларни тўплаш учун ваколатли давлат ташкилотларига бевосита таъриф буюришни талаб этмоқда. Профилактик чоралар сифатида энг кўп низолашлайётган нотариал битимларни расмийлаштиришда аудио ва видео қайд этишдан фойдаланилмаёпти;

Тўртинчидан, нотариуслар ва нотариал идораларнинг ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими нотариат корпусини юқори малакали кадрлар билан шакллантириш масалаларини тизимли равишда ҳал этиш

имконини бермаёпти. Нотариусларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув режалари ва дастурлари нотариал амалиёт билан етарли даражада уйғунлаштирилмаган;

Бешинчидан, стажировка ўташининг узоқ ва мураккаб жараёни бўш турган нотариус лавозимларини малакали кадрлар билан тез тўлдириш учун зарур чораларни кўриш имконини бермаёпти;

Олтинчидан, нотариал хизматлар кўрсатишининг сифати ва теъкорлиги, нотариал идора ходимлари томонидан ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажарилиши устидан назорат қилишнинг самарали механизми, айниқса, масофадан назорат қилиш шакллантирилмаган.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нотариат институтининг роли ва аҳамиятини ошириш, шунингдек, аҳолига кўрсатилаётган нотариал хизматларнинг сифатини яхшилаш мақсадида:

(Давоми 2-бетда)

Мактаб инсон камолоти, унинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳар бир кишининг ҳаётида ўз ўрнини топишида мактабда олган сабоқларнинг ўрни бўлакча. Бунда мактабларимизда яратилган шароитлар, устозларнинг педагогик маҳорати ва ўқувчилар ўртасида яратилган ўзаро соғлом рақобат муҳити муҳимдир. Ушбу фикрларимиз Тошкент шаҳар Сергели тумани 300-ихтисослашган умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган "Кичик академия"нинг илмий-амалий ҳисобот фестивалига борғач янада мустаҳкамланди.

"КИЧИК АКАДЕМИЯ"НИНГ СИРИ

Мактаб ҳовлисида "Кичик академия"нинг аъзолари ҳар бири ўзи танлаган соҳа билан бандлигини кузатади. Ёш ижодкорлар, тадқиқотчилар, фан билимдонлари, спортчилар, қисқаси барча ўқувчилар ўз қизиқишларига кўра тўғрақларга аъзо.

Мактабимизда иқтидорли ёшлар қобилиятини вақтида аниқлаш ва ривожлантириш мақсадида "Кичик академия" ташкил этилган ва у ўз низоми, раъзи ва ширғога эга, қатор олий таълим муассасалари, идоралар билан ҳамкорлик қилади, — дейди мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Малика Абдуллаева. — "Кичик академия"га жами 892 нафар ўқувчи жалб этилган. Ўқувчиларимиз фан, спорт, санъат маҳсуқаларининг туман, шаҳар, республика босқичида муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Юз-қўзлари ёниб турган, кўкси медалларга тўла жажжи истеъ-

дод эгалар мактабда кўпчиликини ташкил этади. Улардан бири-ни суҳбатга тортидик.

— Мен дэюдо билан шугулланаман, — дейди ўза мўҳбирига 8-синф ўқувчиси Шўҳрат Мирзаев. — Дастлаб туман, шаҳар мусобақаларида фахрли ўринларни қўлга киритдим. Утган йили ўсмирлар ўртасида республика миқёсида биринчи ўринни эгалладим ва халқаро мусобақага йўланмани қўлга киритдим. Спортдан ташқари физика, математика ва тарих фанларига қизиқаман.

2005 йил ташкил этилган ва ҳар йили фаолиятини сарҳисоб қилиб борадиган мазкур "Кичик академия" республика миқёсида ягона ҳисобланади. Иқтидорли ёшларнинг ишларини кузатган инсон мазкур таърибанинг самараси юқори эканлигини ва мамлакатимиз мактаблари бўйлаб "Кичик академия"лар сонини кўпайтириш лозимлигини аниқлайди.

Инобат АХАТОВА



2017-2021

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ

ТАШКЕНТ



● Қадимий ва навқирон Бухорода XVII анъанавий "Ипак ва зирворлар" халқаро фестивали бошланди. Тадбирда Марказий Осиё мамлакатлари вакиллари ташқари, Россия ва Афғонистон хунармандлари ҳам ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Фестивалда Бухоро вилояти туман ва шаҳарларидан, Қорақалпоғистон Республикаси, қатор вилоятлардан келган фольклор-этнографик ансамбллари ўз санъатларини намойиш этаётир.

● Урганчада ОИВ инфекцияси, сил ва безгак касалликлари тарқалишига қарши кураш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳамкорликини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

● Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги "Анвар-А" фермер хўжалигида "Ёш фермер инновацион ривожланиш йўлида" мавзусида кўргазмалар амалий семинар бўлиб ўтди. Анжуманда ёш фермерлар республика илмий муассасалари, қишлоқ хўжалик идоралари мутахассислари томонидан қилинган маъруза ва тавсияларнинг амалдаги натижаларини бевосита ушбу хўжалик даласидаги ишлар мисолида кўришди.

● Андижонда "Ёшлар — келажак бунёдкори" шiori остида ёш тадбиркорлар, хунарманд ва фермерлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳудудий савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада ёш хунармандлар томонидан намойиш этилган каштачилик, дўппидўзлик маҳсулотлари, миллий либослар кўпчиликлда катта қизиқиш уйғотди. Ёшларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқаришга хизмат қилган кўргазманинг фаол иштирокчилари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

● Жиззахда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан "Юксак маънавиятлар авлод" фестивалининг вилоят босқичи ўтказилди. Фестивалда "Бадий ижод", "Мустақиллик тарихи билимдонли", "Ўз асарида миллийликни акс эттирган расом", "Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайн", "Ватан куйчиси", "Юксак маънавиятлар авлод", "Энг иқтидорли хунарманд" йўналишларида 14 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар ўз билимини синовдан ўтказди.



● Австралиянинг Сидней шаҳрида бутун дунёдан келган кўплаб сайёҳлар иштирокида анъанавий "VIVID SYDNEY" нурулар фестивали бўлиб ўтди. Шаҳарни бетакор чироқлар билан безашга 180 нафар, шу жумладан хорижлик мутахассислар ҳам жалб этилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йилги фестивалга икки миллиондан ортиқ сайёҳ ташриф буюрган.

● Голландиянинг Амстердам шаҳридаги Эрмитажда охириги 40 йилдан буён илк бор машҳур мусаввир Рембранднинг шу вақтгача номаълум бўлган "Ёш одам портрети" номли асари намойишга қўйилди. Гап шундаки, Рембранд шоғирдларининг бирининг ижодида мансуб деб ҳисобланб келинаётган ва яқинда бир неча минг долларга сотилган портретни пухта текширувлардан сўнг Рембранднинг ўзи чизганлиги аниқланди. Мазкур бебаҳо сурат июнь ойининг охиригача қадар намойишга қўйилиб, сўнг ким ошди савдоси орқали бу гал миллион доллардан ортиқ маблағга сотилиши кўзда тутилмоқда.

● Ҳиндистон ҳукумати 95 та тарихий обидани хусусийлаштиришни кўзда тутувчи лойиҳа ишлаб чиқди. "Мерос" ҳаракати фаоллари ҳамда муҳолиф сиёсатчилар Ҳиндистон ҳукуматини тарихий обидаларни, шу жумладан Тож Маҳални хусусий компаниялар ихтиёрига бераётганликлда айблаган. Ҳозирда икки йирк компания Тож Маҳалга эгалик қилиш учун курашмоқда. Хусусийлаштириш лойиҳасига ЮНЕСКО рўйхатидаги XII асрга оид Кутб Минор мажмуаси ҳам киритилган. Таъкидлаш жоизки, Ҳиндистонда 3700 га яқин тарихий обидалар мавжуд бўлиб, шулардан 31 таси ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси объектлари рўйхатидан ўрин олган.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига мувофиқ, 2018 йил 31 май куни соат 15.00 да халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттиз еттинчи сессияси бўлиб ўтади.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўттиз еттинчи сессияси кун тартибига қуйидаги масалалар киритилган:

— Пойтахт ҳудудида 2018 йилнинг 1-чорагида қонунийлик ҳолати ва жиноятчилик аҳоли юзасидан Тошкент шаҳар прокурорининг ҳисоботи тўғрисида;

— Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармасининг 2018 йилнинг 1-чорагидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

— Тошкент шаҳар Молия бош бошқармасининг 2018 йилнинг 1-чорагидаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

— Ер ресурслари ва давлат кадастри Тошкент шаҳар бошқармасининг фаолияти юзасидан ҳисоботи ва бошқа масалалар.

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ ВА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АҲАМИЯТИ

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш бўйича муҳим устувор вазифалар белгиланган. Мазкур талаблардан келиб чиқиб, мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг энергия сифимини қисқартириш, миллий илмий-техникавий ишланмалар ва халқаро энергия тежамкор илғор технологияларни амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Пойтахтимиздаги "Wyndham" меҳмонхонасида ўтказилган бизнес-семинар ҳам айнан шу ҳужжат ижросини таъминлаш бўйича энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги инновацион технологиялар масалаларига бағишланди.

Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Россия, Германия, Туркия, Украина, Латвия давлатларининг инновацион технологиялар билан шугулланган етакчи компаниялари вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Икрамов ва бошқалар мамлакатимизда энергетика ресурсларидан тежамли ва самарали фойдаланишда миллий илмий-техникавий

ишланмалар ва халқаро илғор технологияларни амалиётда қўллаш ҳамда хорижий компаниялар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Қизиқарли ва янгиликларга бой бўлган бизнес-семинар маҳаллий ва хорижий компаниялар ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини боғлашга хизмат қилди, — деди "Комфорт-инжиниринг" масъулияти чекланган жамияти лойиҳа раҳбари Зухриддин Хонбоев. — Анжуманда чет эллик мутахассисларнинг энергетика, нефтьгаз ва коммунал соҳаларда янги инновацион технологиялар бўйича тақдим қилган лойиҳалари мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий соҳаларида энергияни тежаш ва унинг самарадорлигини оширишда фойда беради.

— Ўзбекистонда катта ислохотлар амалга оширилмоқда, — деди ўза мўҳбирига Украинанинг "СИЭСТЕЛ" МЧЖнинг ривожланиш бўйича директори Олег Рубан. — Бундай ўзгаришлар давлатлараро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди. Бугунги учрашувда энергияни тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш учун зарур бўлган лойиҳалар ҳақида маълумотлар бердим. Бу эса ўзаро ҳамкорлик алоқаларини боғлашда дадил қадамдир.

Тадбир якунида энергия тежамкорлиги ва энергия самарадорлигини янада оширишда илғор технология ва инновацион тажрибалар қўллаш масалалари бўйича қизгин баҳс-мунозара ва савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИНИЗОЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН
ИНСТИТУТ СИФАТИДА НОТАРИАТ ТИЗИМИНИ ЯНАДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

1. Нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан битимларни тасдиқлашда "ягона дарча" тамойили бўйича амалга ошириладиган ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар рўйхати 1-иловага мувофиқ маъқуллансин ва 2019 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, бошқа ваколатли вазирлик, идора ва ташкилотлар билан биргаликда:

икки ой муддатда нотариатнинг фаол модели доирасида нотариуслар томонидан "ягона дарча" тамойили бўйича битимларни тасдиқлашда давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишнинг маъмурий регламентлари лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

белгиланган муддатларда ушбу қарорнинг 1-илова-сида назарда тутилган ахборотларни алмашиш учун маълумот базалари ва ахборот тизимларини жорий этиш, шунингдек, уларнинг "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йил 1 сентябрга қадар муддатда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топишган шахслар бўйича электрон маълумот базаси шакллантирилишини, кейинчалик унинг "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизимига интеграция қилинишини таъминласин.

2. 2019 йил 1 январдан бошлаб ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартибини ўрнатиш орқали кўчмас мулкни ижарага бериш ва текин фойдаланиш шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш бўйича талаб бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси икки ой муддатда кўчмас мулк ижара шартномаларини давлат солиқ хизмати органларида мажбурий ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 январдан бошлаб:

кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни нотариал тасдиқлаш факат "Давлат белгиси" давлат ишлаб чиқариш бирлашмалари томонидан тайёрланадиган, химоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган катъий ҳисобот бериладиган гербли (маҳсус) бланкаларда амалга оширилади;

васиятномаларни имзолаш жараёни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги қонуни 34-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда битим, ариза ва бошқа ҳужжатларни имзолаш жараёни мажбурий аудио ва видео қайд этилиши лозим;

юрдик шахс нотариусга ихтиёрий мурожаат этганда унинг коллегиял органининг қарори қабул қилинганлиги факти нотариал тасдиқлашни лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш

марказининг 2019 йил 1 январдан қуйидагиларга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг янги тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун мурожаат қилган шахсларнинг шахсини аниқлаш бармоқ изларини сканер қилиш ва уларни паспортдаги (фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг биометрик ҳаракатларини ҳужжатидаги) биометрик маълумотлар билан солиштириш орқали амалга оширилади;

мурожаат этувчиларнинг нотариал ҳаракатлар бажарганлигини тасдиқлаш нотариал тасдиқланаётган ҳужжатларга улар томонидан имзо қўйиш ва маҳсус мосламаларда уларнинг бармоқ изларини сканер қилиш йўли билан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун зарур бўлган асбоб ва ускуналарни олишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига техник жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг; нотариус лавозимига номзодларнинг стажировка ўтash муддатини икки йилдан бир йилга қисқартириш тўғрисидаги;

нотариус лавозимига номзодлар учун судьялик лавозимига камида беш йил ишлаган ёхуд нотариал фаолиятга раҳбарлик ва назорат қилувчи лавозимларда камида уч йил ишлаган шахсларга мажбурий стажировка ўтash бўйича талабни бекор қилиш ҳақидаги таклифларига розилик берилин.

Белгилансинки, мазкур банднинг амал қилиши ушбу қарор қўлган кундан пайтда нотариал идораларда стажировка ўтатган шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

6. Нотариат институтини янада такомиллаштириш бўйича "Йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

"Йўл харитаси"да кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари унда назарда тутилган тадбирлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда судларга мурожаат этишда давлат божларини тўлашдаги имтиёзлар ва белгиланган давлат божни миқдорларини танқидий ўрганиб чиқсин, натижаси бўйича нотариусларнинг ижро ёзувларидан фойдаланиш амалиётини кенгайтиришга, суд тизимидаги иш ҳажмини камайтиришга йўналтирилган давлат божни ставкалари ва имтиёзларини мақбуллаштириш юзасидан таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда мерос ишларини расмийлаштириш соҳасида нотариал ва суд амалиётини ўрганиш ва ушбу соҳадаги ягона ёндашувни таъминлаш юзасидан таклиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси 2019 йил 1 январдан бошлаб ушбу хусусийлаштиришга розилик берилган шахслар тўғрисидаги маълумотни нотариал идораларга реал вақт режимида бепул асосда тақдим қилинишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижор

рат банклари билан биргаликда бир ой муддатда барча нотариал идораларни уларда белгиланган иш вақтига мувофиқ фаолият кўрсатувчи маҳсус кассалар, шунингдек, маҳсус кассаларни банк пластик карточкаларидан тўловни қабул қилиш бўйича ҳисоб терминаллари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тижорат банклари томонидан нотариуслар томонидан ўзларининг нотариал идоралари бино ва иншоотларида очилган маҳсус кассалари орқали ундирилган давлат божларининг жами суммасидан ажратма олиш ҳақида таклиф киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтида нотариус лавозимларига номзодларни танлов асосида танлаб олиш жараёнини реал вақт режимида аудио ва видеотрансляция қилиш амалиётини жорий этсин;

2019 йил 1 январга қадар муддатда нотариал идораларда нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини сақлаган ҳолда реал вақт режимидаги масофавий марказлаштирилган аудио ва видеокўзатув тизимини жорий этиш, бунда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан улардан фойдаланишни таъминласин;

икки ой муддатда нотариусларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича ўқув-режа ва дастурларни, жумладан, психология ва юридик фаолият билан боғлиқ бўлмаган тартиблар ва кўникмаларга (стрессини бошқариш, келишмовчиликларни бошқариш, иш вақтини самарали ташкил этиш) ўргатиш бўйича дарслар киритилишини назарда тутган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

нотариал амалиётда вужудга келатган долзарб масалаларни видеоконференциялар ташкил этиш орқали муҳокама қилишни назарда тутувчи доимий семинар машғулотларини ўтказиб боришни амалиётга кенг жорий этсин;

Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда аҳолининг нотариал хизматлардан фойдаланиш имконини ошириш мақсадида нотариал округдаги нотариус лавозимларини белгилаш мезонларини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар муддатда илгор ҳорижий тажрибани ва миллий нотариал амалиётни чуқур ўрганган ҳолда давлат нотариал идораларини фаол нодавлат шаклига ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан асосланган таклиф киритсин; манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қўнун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазир Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2018 йил 25 май

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 7 майдаги "Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси илмий-тадқиқот муассасалари билан ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмларини йўлга қўйиш ва алоқаларни мустаҳкамлашда янги босқични бошлаб берди. Бунда, айниқса, илмий ишлар ва тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш масаласини ҳал этиш муҳим омил саналади.

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛКНИ БАҲОЛАШ ВА
ТИЖОРАТЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

Пойтахтимиздаги "Hyatt Regency Tashkent" меҳмонхонасида бўлиб ўтган семинар-тренингда шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда баҳоловчилар, маҳаллий ва хорижий экспертлар, юристлар, аудиторлар, Тошкент шаҳридаги технопарклар ва инновацион марказлар мутахассислари, технологиялар ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш марказлари вакиллари, патентшунослар ҳамда олий ўқув муассасаларининг илмий ходимлари иштирок этди.

Интеллектуал мулк агентлиги бош директори А.Файзуллаев, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Кичик ва ўрта корхоналар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўлими маслаҳатчиси О.Спасич ва бошқалар мамлакатимизда интеллектуал мулк объектларини баҳолаш ва тижоратлаштириш ишларини такомиллаштиришда халқаро тажрибалар билан яқиндан танишиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш амалий натижалар беришини таъкидлади.

Асосий эътибор интеллектуал мулк объектларини баҳолаш, тижоратлаштириш ва трансфер технологиялари бўйича амалий тажрибага эга бўлган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда мутахассисларнинг малакасини оширишга қаратилди.

– Илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасаларида номоддий активларни баҳо-

лаш ҳамда интеллектуал мулкни тадқиқотлар натижаларини бошқариш воситаси сифатида баҳолашга доир хорижий тажрибалар билан танишиш, – деди Тошкент тўқимачилар ва енгил саноат институтини Инновация ва интеграция илмий тадқиқотлар маркази директори Н.Мирзаев. – Саволларимизга жавоблар олдик. Баҳолаш моделлари аниқ мисоллар асосида тушунтириб берилди.

– Анжуманда "Интеллектуал мулк ва илмий билликлари тадқиқотлар бўйича ҳамкорлик нуктаи назаридан баҳолаш тарихи" мавзuida мавзуа қилдим, – деди Туркиянинг Интеллектуал мулк ва инновацияларни бошқариш бўйича консалтинг фирмаси бошқарувчи ҳамкори О.Хизир ўғли. – Албатта, ҳар бир соҳа ривожидида тажриба алмашиш катта аҳамият касб этади. Бугунги назарий ва амалий машғулотлар иштирокчилар учун жуда фойдали ва қизиқarli бўлди, деб ўйлайман.

Машғулотларда иштирокчилар интеллектуал мулк объектларини баҳолаш, илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида номоддий активларнинг сифат жиҳатдан баҳолаш учун даражалар тизими бўйича интеллектуал мулк объектларини баҳолаш мезонларини аниқлаш каби мавзуларда билликларини мустаҳкамлади.

Семинар доирасида "Интеллектуал мулкни баҳолаш методикаси ва амалиётини миллий ва ҳудудий даражаларда қўйиб олиб бориш имкониятлари" мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

Қонун ва ижро

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҚОНУНГА РИОЯ ЭТИШИ, ВАЗИФАГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШИШНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Давлат органлари самарали фаолият юритишда жамоатчилик назорати муҳим ўрин тутди. Мазкур институтнинг давлат органлари ходимлари қонунга рия этиб, вазифа ва мажбуриятларини масъулият билан адо этишда таъсир доираси юқори.

Зеро, халқ ҳоқимияти принципи Конституциямизнинг асосий принципларидан биридир. Жумладан, фуқаролар ҳақият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу каби иштирок этиш йўлларида бири – давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдир.

Ҳаётимизда назоратнинг жуда кўп турлари учрайди. Булар прокурор назорати, маъмурий ва молиявий назорат, божхона, солиқ назорати ва ҳоказо. Савол туғилади, жамоатчилик назоратининг булардан нима фарқи борми?

Жамоатчилик назоратининг бошқа назорат турларидан асосий фарқи шундаки, жамоатчилик назоратининг объекти – давлат органлари фаолиятиндир.

Бу жиҳатлар 2018 йил 13 апрелда қўл қўйган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунда тўлиқ очиб берилди.

Қонуннинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Жамоатчилик назорати одатда профессионал, тизимли, маҳсус малака талаб қиладиган, ихтисослашган назорат ҳисобланмайди. Мазкур назорат ихтиссий-сиёсий аҳамият касб этади. Жамоатчилик назорати бошқа назорат турларидан ўзининг субъектлари билан фарқланади.

Бошқа назорат турларидан давлат органи мансабдор шахс бўлиб, маҳсус маълумотга эга шахслар муайян тартибга солинган тартиб-таомилларга рия қўлган ҳолда назоратни ўтказишда ҳамда бу назоратни ўтказиш мажбурий. Жамоатчилик назоратида эса фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари қатнашлиши мумкин. Улар иттифой равишда, очик, ошкора жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Яна бир ҳолатни кўздан қонирмаслигимиз лозимки, айримлар "Фуқаро сифатида қонун менга имкон берди, энди бемалол хоҳлаган давлат органини бориб назорат қиламан", деган тушунчага бормаслиги лозим. Қонуннинг 5-моддасида белгиланган асосий принципларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун назорат қонун ҳужжатлари талабларига рия қилган ҳолда, оммавий ва очик, ҳолис ва бегараз, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асосан аралашувага ва уларга гафироқий таъсир кўрсатишга йўл қўймасдан ўтказишни зарурлиги белгилаб қўйилди. Ушбу талабларга рия қилмаслик жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш, деб ҳисобланиши мумкин.

Мазкур назорат ўз натижалари билан бошқа назорат турларидан фарқланади. Жамоатчилик назоратининг натижаларига кўра баённома, ҳулоса, маълумотнома шаклида ёхуд қонун ҳужжатларидан назарда тутилган бошқа шаклда яқиний ҳужжат тайёрланиши мумкин. Яъни давлат назоратидан фарқли ўлароқ яқиний ҳужжат тайёрлаш мажбурий эмас. Яқиний ҳужжат ахборот ва тасвия хусусидаги эга бўлади. Унда баён этилган ахборот, тасвия ва таклифлар давлат органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилиши ҳамда улар юзасидан қонуний қарорлар қабул қилинади.

Бунда давлат органи жамоатчилик назорати натижасида тайёрланган ҳужжати бажаришга эмас, балки кўриб чиқишга мажбур ҳисобланади.

Қонуннинг 6-моддасида жамоатчилик назоратининг 8 та шакли аниқ равшан белгилаб қўйилди. Бу шаклларга давлат органларига мурожаатлар ва сўралар, давлат органларининг очик ҳайъат мажлисларида иштирок этиш қабил қилинади. Жамоатчилик мукоамаси, жамоатчилик эшитиш, жамоатчилик мониторинги, жамоатчилик экспертизаси, жамоатчилик фикрини ўрганиш ҳам шулар жумласидандир.

Қонунда назорат шакллари билан боғлиқ бўлиши жамоатчилик алоҳида урғу берилмоқда. Бу эса коллегиялигини, ташкилий ушунчаларини талаб этади. Қолаверса, бу масала муайян тушунчага одамлар томонидан турли хил суйистеъмолликларга йўл қўймаслигининг олдини олишга қаратилган.

Лекин, бу жиҳат, фуқаро жамоатчилик назоратида иштирок этмайди, дегани эмас. Ушбу назорат шакллари очик, ошкора ўтказилади. Унда мухокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирок этиши, ўз фикрини эркин билдириш ва таклифлар киритишга ҳақи.

Қонуннинг энг муҳим қисмини жамоатчилик назорати субъектлари ва давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Чунки ҳар қандай муносабатда ҳуқуқ ва мажбурият муносабатининг асосини ташкил қилиб, ундан жавобгарлик келиб чиқади.

Қонунда жамоатчилик назорати субъектларининг тадбирлар ўтказиш ташаббуси билан чиқиб, зарур бўлган ахборотни давлат органларидан сўраб олиш, назорат натижаларига кўра таклифлар ва тасвиялар тайёрлаш ҳамда уларни тегишли органларга кўриб чиқиш учун тақдирлаш, тегишли материалларни ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларга юбориш, судга шикоят қилиш, жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган.

Экспертлар фикрича, жамоатчилик назорати давлат назоратидан фарқли равишда асосий мақсади, қиминдир жазолаш эмас, балки қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, дастурларда жамоатчилик манфаатлари, фикрини ҳисобга олишдир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, ҳақият манфаатларининг ҳимоясини, ихтиссий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни, давлат хизматларини самарали кўрсатилишини таъминлаш ҳисобланади.

Жамоатчилик назорати натижаларини эълон қилиш чораси ҳам ривожланган демократик давлатлар тажрибасида қўлланиладиган ихтиссий-сиёсий таъсир воситаси ҳисобланади, тегишли мансабдор шахслар фаолияти жамоатчилик орасида кенг мухокамага, танбехларга сабаб бўлади.

Маълумки, ҳуқуқ бўлган жойда мажбурият ҳам бўлади. Шу маънода жамоатчилик назорати субъектларининг қонун ҳужжатлари талабларига, қонунда белгиланган, давлат органларининг фаолияти билан боғлиқ бўлган қонунларга рия этиш, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган фаолиятга аралашмаслик, давлат органларининг фаолият кўрсатиши, шунингдек, мансабдор шахсларнинг фаолияти учун тўсиқлар яратмаслик, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қиммати қамситилишига, уларнинг шахсий ҳаётига аралашушга йўл қўймаслик каби мажбуриятлари ўз ифодасини топади.

Қонун қабул қилиш ишининг бир қисми, қолгани унинг ижросини таъминлашдир. Қонунда қўрсатиб ўтилган жамоатчилик назорати шакллари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Шу маънода, жамоатчилик назорати самарали фаолият кўрсатиши учун фуқаролик жамаиятининг асоси бўлган ўрта синф – мулкдорлар қатлами уюшиш, давлат ҳоқимияти органлари фаолиятида очиклик ва шаффофлик кенг таъминланиши, фуқаролар ва давлат хизматчиларида сиёсий ҳуқуқий онг ва маданият талаб даражасида бўлиши зарур.

Бунда бугунги кунда 8 минг 200 дан зиёди ташкил этилган ҳуқуқларнинг амалга ошириш учун ўз йўл ҳариталарини ишлаб чиқиш мақсада мувофиқдир.

Қонун ижросини самарали таъминлашда 2018 йил 4 майда тузилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамаиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг ўрни ва роли жуда муҳим. Маслаҳат кенгашининг асосий вазифалари фуқаролик жамаиятини ва кенг жамоатчиликни ташкилланган давлатдор мансабдор шахсларни мухокама қилиш, шунингдек, мазкур секторнинг ҳолати ва ривожланиш тенденцияси ҳақида Президентини мунтазам хабардор қилиш, жамоатчилик назоратини амалга ошириш, масъул институтларнинг ҳақият бошқарувидаги иштирокчини кенгайтириш учун қўлай шартлар яратиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига таклифлар киритиш белгиланган.

Ҳулоса қилиб айтганда, жамоатчилик назоратининг қонун асослари яратилгани жамаиятининг давлат билан ўзаро самарали алоқасини таъминлашда муҳим асос бўлди. Бу одамларнинг ҳақияти, мамлакатда қочётган ўзгаришларга муносабатини аниқлаш, жамаият манфаатларини мувозаъатини таъминлаш ҳоқини изчил амалга оширишга хизмат қилади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,


Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
ҳарбий-техник институт бошлигининг ўринбосари,
юрдик фанлари доктори"ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ"НИНГ
ЯНГИ УСЛУБИ

Пойтахтимиздаги "Кўргазма савдо маркази" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари қўмитасининг "Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини мониторинг қилиш ва баҳолаш" мавзuida семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг ихтиссий аҳамиятга молик ахборотлардан фойдаланишнинг ҳуқуқий қаролатиш билан бир қаторда давлат органлари фаолияти очиклигини таъминлашнинг шакли ва услублари, давлат органлари ва жамаият ўртасидаги ўзаро ахборот алмашишнинг аниқ механизмларини белгилаб берди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторингини олиб бориш бўйича жамоатчилик кенгаши шакллантирилди. Кенгаш ишлаб чиққан методика ҳамда регламент асосида давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигининг мониторинги олиб боришмоқда. Мониторинг натижалари ҳар йили икки мартаба (1 январь ва 1 июль ҳолатига) эълон қилинади.

Семинар иштирокчилари жамоатчилик кенгаши фаолияти, кенгаш томонидан амалга оширилаётган давлат органларининг



КИТОБГА ОШУФТА ДИЛЛАР

Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида Республика китоб байрами ўтказилди.

Республика китоб байрами Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият вазирликлари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбир пойтахтимизнинг маркази – Сайилгоҳ кўчасида, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ўтказилиб, унда 100 дан зиёд нашриётлар, ижодий уйлар, матбаа корхоналари ҳамда китоб савдоси ташкилотлари китоб ва китоб маҳсулотлари кўргазмалари билан иштирок этдилар.

Ушбу тадбирда "Намунали китоб дўкони" танловининг худудий босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам ўтказилиб, уларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди.

– Китоб байрами тадбирида тақдирланишимизнинг ўзида ҳам рамзий маъно бор, – дейди "На-

мунали китоб дўкони" танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиби, "Шарқ зийкори" китоблар маркази директори Умид Холиков. – Бу каби тадбирларнинг ўтказилиши бизга катта куч-ғайрат бағишлайди. Олдинга интилишга ундаш билан бирга келгусидаги режаларимизни белгилаш имконини беради. Келажакда китобхонларга янги-дан-янги китоб тарқатиш услубларини қўллаган ҳолда узоқ қишлоқларимиз, тоғ ён бағирларида истиқомат қилувчи юртдошларимизга етказиб бериш мақсад қилганмиз. Бутун республикамиз бўйлаб ўтказилган китоб байрами ёшларни китоб ўқишга жалб қилиш, уларнинг китобга бўлган меҳрини оширишга хизмат қилади деб ўйлайман.

Кўргазма қатнашчилари учун Х.Тўхтабоев, А.Обиджон, М.Тоир, И.Мирзо, С.Сайид каби таниқли шоир ва ёзувчилар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари иштирокида мушоиралар, адабий учрашувлар ташкил қилинди.

Таниқли санъаткорлар ва ёш истеъдод соҳиблари шунингдек, Республика ёш томошабинлар

театри ва Республика кўғирчоқ театрининг ҳамда турли болалар санъат гуруҳларининг "Китобсеварларни кўтлаймиз!" номли чиқишлари санъат ихлосмандларига хуш ёқди.

"Энг яхши китобхон оила", "Энг яхши китобхон", "Ёш китобхон" каби совринли викториналар ва "Китоб ўқишни ёқтирасизми?" мавзuida ижтимоий сўровлар ўтказилди. "Машхурлар китоб ўқийди" шиори остида ўзбек эстрада намояндалари, театр ва кино актёрлари, спорт усталарининг "Китоб байрами"га ташрифи ҳамда уларнинг иштирокчилар билан мулоқотлари бўлиб ўтди.

Ташкил этилган кўргазмаларда бевосита иштирок этиб, китоб харид қилаётган қизалоқлардан бирини суҳбатга тортидик.

– Сайилгоҳ кўчасида ташкил этилган китоб байрамига "Ёш ижодкорлар" тўғарак раҳбаримиз Мухаббат опа Абдуқодинова ва дугоналарим билан биргаликда келганимдан жуда хурсандман, – дейди Ангрен шаҳридаги 25-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зиёда Қўчқарова. – Бу ердаги турли нашриётлар томонидан чоп этилган бири-бирини қизиқ китобларни кўрдим. Яқинларимга совға сифатида китоб сотиб олдим. Менинг бундай совғамдан улар жуда қувонишади. Бўш вақтларимда китоб ўқишни ва уни дугоналарим билан бирга муҳокама қилишни хуш кўраман. Ўткир Хошимов, Абдулла Қодирийларнинг асарларини яхши кўриб ўқийман.

Тадбир сўнггида Китоб байрами қатнашчилари – нашриётлар, ижодий уйлар ва матбаа корхоналари ўртасида "Энг фаол иштирокчи" ҳамда "Энг яхши стэнд" номинацияларида танлов ўтказилиб, ғолиблар ташкилотчилар томонидан тақдирланди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган суратлар

МЎМАЙ ДАРОМАД ТОПАМАН ДЕБ...

Сифати кафолатланмаган дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотлари инсон сиҳат-саломатлигига жиддий хавф туғдириши шубҳасиз. Афсуски, ушбу оддий ҳақиқатдан кўз юмган айрим кимсаларни юртдошларимизнинг саломатлигидан кўра, мўмай даромад кўпроқ қизиқтираётган кўринади.

Амалдаги тартибларга кўра, республикамизга четдан олиб келинадиган дори-дармон воситалари ва озиқ-овқат маҳсулотлари мажбурий тартибда сертификатланадиган товарлар турига кириди. Шунингдек, бу турдаги товарлар давлат тилида ҳам марказлаштирилади.

Яқинда Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари сифати кафолатланмаган дори-дармон ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг мамлакатимизга ноқонуний олиб кирилишига чек қўйишди.

Жумладан, "Келес" темир йўл чегара божхона постида "Москва – Тошкент" йўловчи поездида кириб келган фуқаро Ж.Усмоновнинг (барча исм-шарифлар ўзгартирилган) қўл юклари божхона назоратидан ўтказилганда, унда йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган ҳамда божхона ходимининг оғзаки сўровида маълум қилмаган 735 дона турли дори воситалари борлиги аниқланди. Хорижда ишлаб чиқарилган

21 турдаги мазкур дори-дармонларнинг умумий қиймати 24 млн. сўмдан ошар экан. Шунингдек, мазкур пост ходимлари худди шу йўналишда кириб келган йўловчи поездининг яна бир йўловчиси Ф.Қосимовнинг ҳам қинғир қилмишларига чек қўйишди. Божхона назоратидан ўтиш вақтида ушбу шахс қиймати 23 миллион 400 минг сўмлик 4680 дона сақичларни яширинча олиб ўтишга урингани фож бўлди.

Ҳозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда юртдошларимиздан божхона қоидабузарликлари ёки божхона ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан Тошкент шаҳар Божхона бошқармасининг 120-76-71 – "Ишонч телефони"га кўнғироқ қилишлари муқимлигини эслатиб ўтаемиз.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси
Ахборот хизмати

"101"

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БАРЧАНING БУРЧИ

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, қондаларга риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганининг гувоҳи бўламиз.

Билиб туриб ўзимиз ва мол-мулкимизни хатарга қўямиз. Худди шундай ҳолларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Баъзи бир бекаларимиз эса газ плиталарида овқат қолдириб ёнғин сабабчиси бўлиб қолмоқдалар. Ёнғин нафақат уй қурилмалари ва жиҳозларини қулга айлантиради, ушбу офат кўпга инсонлар ҳаёти, соғлиги, ёшларини ўзи билан олиб кетади. Бир умрга мажруҳга айлантиради. Шунинг учун биз ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳалла фаоллари, барча инсонлар, хонадон эгалари, фарзандларимизни огоҳликка чақирамиз.

Ш.ЭРКАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ бошлиғи, майор

Кундалик ҳаётимизни "зангори олов"сиз тасаввур этиш қийин. У қулай ёнғин сифатида турмушимизда кенг қўлланилади. Ана шу ёнғиндан тўғри фойдаланиш, хавфсизлик қондаларига қатъий амал қилиш ёнғин хавфсизлигини таъминлайди. Акс ҳолда озгина эътиборсизлик оқибатида чиққан ёнғин оила, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин.

Газ плитаси ўрнатилган хонани тез-тез шамоллатиб туриш керак. Газ, кўмир ёқиладиган печкалар мўриси йилгига камда бир маротаба тозаланиши лозим. Печка ва газ плиталари ёнида бензин, керосин каби тез ёнғичи сувоқликларни сақлаш, электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, ёш болаларнинг гугурт билан ўйнашига бепарво қараш ёнғинни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардан саналади. Ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қондаларига амал қилиб бора-са, турли офатларнинг олди олинган бўлар эди.

М.ДУСМУРАТОВ,
23-ЎХХ инспектори, сержант

Хотиржам хизматга таҳдид солувчи ёнғин офатининг сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ унинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ҳолатларнинг олдини олиш ва юзга келган ёнғинни бартараф этиш инсонларнинг қўлидан келадиган ишдир.

Бунинг учун асосий ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш, бу борада мутахассислар маслаҳатига амал қилиш лозим. Шунинг билан бирга, тарғибот-ташвиқот жараёнлари, аҳоли билан ўтказилаётган учрашувлар ва оммавий ахборот воситалари орқали қилинаётган чиқишларда ҳам ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир тушунириш ва огоҳлантиришлар бериб боришмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки ҳар бир фуқаро ёнғин офатининг олдини олишга доимо эътибор қаратиб, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилса ўзи ва яқинлари ҳаётини хавф-хатардан сақлаган бўлар эди.

Шерзод ХАМИДУЛЛАЕВ,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ катта инспектори, сержант

"Тилсиз ёв" қаерда ва қачон бўлмасин ўзининг муд-ҳиш изини қолдиради. Кўпга одамлар бошланасиз қола-ди, саломатлигини йўқотади, айрим ҳолларда эса киши ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида содир бўлган ёнғинлар қишларини самарали меҳнатига салбий таъсир кўрсата-ди. Давлат мулкига зарар келтиради.

Ёнғиннинг олдини олишда ўчириш гидрантларининг, қонда бўйича йўналишига қараб ўрнатилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда ёнғин ўчириш гидранти билан йўлнинг ўтқиш қисми оралиқдаги масофа 2,5 метрдан, бинога нисбатан эса 5 метрдан узоқ бўлмаслиги лозим. Мустанго тарзда ёнғин ўчириш гидрантлари йўлнинг ўтқиш қисмига ўрнатилиши мумкин. Ёнғин ўчириш гидрантлари орасидаги оралиқ масофа ёнғин ўчириш учун сарфлан-ган сувнинг умумий миқдори ва ўрнатилган ёнғин ўчи-риш гидрантлари турининг ўтқазиб, қобилиятига қараб ҳисоблаб, аниқланади.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг асосий мақ-сади ва савий-ҳаракатлари халқимизни ёнғин балосидан асрашга қаратилгандир.

Дилшод БОЛЕГЕНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи ЁХБ инспектори, сержант

Ҳар бир кўнглисиз ҳодисанинг кимнингдир лаёқатсиз-лиги ва бепарволиги оқибатида келиб чиқиши ҳеч кимга сир эмас.

Оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган ту-шунириш ишларига қарамадан ёнғинлар содир бўлмоқ-да. Аҳолимиз ўз вақтида хулоса чиқармаётганлиги са-бабли шахсий хонадонлар ва кўп қаватли уйларида исти-қомат қилувчи фуқароларнинг газ ва электр жиҳозлари-дан нотўғри фойдаланишлари оқибатида ёнғинлар кели-б чиқмоқда.

Азиз ҳамшаҳарлар уйда, ишхонада, жамоат жойлари-да ёнғин хавфини келтириб чиқариш мумкин бўлган ва-зиятларнинг олдини олишга ҳаракат қилайлик. Токи ар-зимас туюлган ҳаракатлар туфайли "ўт балоси"дан азият чекиб, пушаймонликка қолмайлик.

Файзулла НОРТАДЖИЕВ,
Учтепа тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант

"БОҒИШАМОЛ"ДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Бунда Ўзбекистон Респуб-ликаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги "Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва са-марадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг худудий органлари раҳбар-ларининг шахсий масъули-ятини ошириш чора-тадбир-лари тўғрисида"ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқ-да.

Меҳнат ярмаркасида иш-тирок этиш учун пойтахтда фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотлар, ўз ўзини бошқариш органлари кичик ва ўрта бизнес вакил-ларидан иборат жами 55 дан ортиқ корхона ва ташкилот-лар ўзларининг 1500 та иш ўрни билан қатнашди. Улар орасида таълим ва тиббиёт муассасалари, ишлаб чиқа-риш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини кўриш мумкин. "Annex", "Makas qandolat", "Granny textile",

"Shayxontohur textile" каби масъулият чекланган жамиятлари ўзларида мав-жуд вакант иш ўринлари би-лан қатнашгани эътиборли бўлди.

– Корхонамиз ташкил бўлганига бир йилдан ошди, – дейди "Мубина текс-тил" корхонаси раҳба-ри Рустам Абдукаримов. – Бугунги ярмаркада 20 га яқин бўш иш ўринлари би-лан иштирок этяпмиз. Кол-леж битирувчилари фаоли-ятимизга қизиқиш билдир-моқда.

"Шайхонтохур текстил" МЧЖда бугунги кунда 250 дан ортиқ ишчилар меҳнат қилади. Корхона асосан трикотаж маҳсулотлари иш-лаб чиқариш билан шуғул-ланади. Жамият кадрлар бўлими ёрдамчиси Умида Хошимованинг маълумот беришича, ишга қабул қилишда коллеж битирувчи-ларига талаб бор. Бугунги ярмаркада 10 та бўш иш ўрни билан иштирок этиш-

моқда.

Ярмаркада мавжуд бўш иш ўринлари билан тани-шиш ва ишга жойлашиш мақсадида туманда истиқо-мат қилаётган аҳоли вакил-лари, касб-хунар коллежи битирувчилари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол-ларидан иборат жами 2 мингга яқин киши иштирок этди.

Мутасаддиларнинг маълу-мот беришича, бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасида 780 на-фар битирувчи, 260 нафар ёшлар, 200 дан зиёд маҳал-лаларда банд бўлмаган ёшлар қатнашиб, 834 нафар аҳолига ҳуқуқий маслаҳат берилди, 80 га яқин ёшлар ярмарканинг ўзида ишга йўллана олишди.

Ярмарка ишида Тошкент шаҳар прокурори Ш.Облоқулов, Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи М.Пардаев ҳамда Учтепа ту-мани ҳокими Ш.Атамўхаме-довлар иштирок этишди.

Ж.ЭЛИМОВ

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишимиз мумкин.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 535

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10463 нусхада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бosh муҳаррир
Акматали АҚМОВ